



# MILLIY TIKLANISH

36 (305) ● 2014 йил 17 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўз ютуқлари билан мамлакатимиз довруғини жаҳонга танитаётган инсонлар билан "Юртимиз ифтихорлари — ёшлар даврасида" лойиҳаси доирасида жонли мулоқоти ташкил этиш яхши аъёнага айланди



Жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури асосида юртимизнинг барча ҳудудларида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда, янги спорт комплекслари фойдаланишга топширилиб, мавжудлари таъмирланмоқда



Мамлакатимизда амалга оширилган мислсиз бунёдкорликлар барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити, ватандошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва фаоллиги каби маънавий тушунчалар заминида юксалди



## 3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

### ЎзМТДП ташкилотларида



## Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир

шиори ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг бош мавзусига айланган

"...Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуг туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намойён этади. Шу маънода 1991 йил 31 август санасида кўлга киритилган миллий мустақиллик - XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз."

Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият - энгилмас куч" асаридан келтирилган юқоридаги иқтибос ҳар биримизнинг юрагимизни тўлқинлантириб юборади. Чунки бугунги осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимиз ва мусаффо осмонимиз ана шу маънавий жасоратнинг бизга туҳфа этган инъомидир. Шу боис, уни асраб-авайлаш, бу қуларнинг ҳар дақиқасини қадрига етиб яшаш ҳаётимиз шиорига айланмоғи даркор. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Бухоро, Навоий, Самарқанд, Андижон вилоятлари Кенгашларида бўлиб ўтган семинарлар ана шу мавзуга бағишланди. Уларда "Миллий тикланиш — миллий

ўзликини англаш демакдир", "Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик ўзбек халқининг ўлмас қадриятлари" мавзуларидаги маърузалар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгашида бўлиб ўтган семинарни партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Давлатимиз раҳбарининг мустақиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи моҳиятини электоратимизга етказиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

2-бет

## Марказий сайлов комиссиясида

2014 йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланишини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми ва "Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларида сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбаси — 21 декабрда ўтказилади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулғбек Абдусаломов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида" қабул қилинган қарор ҳақида маълумот берди ва ушбу қарорда кўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида батафсил сўз юритди.

2-бет

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми ва "Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларида сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида - 2014 йил 21 декабрда ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайловни сайлов қонунчилигига, умум эътироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўла мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов бўйича сайлов кампанияси 2014 йил 15 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 154 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2014 йил 27 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш бўйича тақдимномалар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 135 та сайлов округлари тузилсин, уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати 2014 йил 7 октябрга қадар матбуотда эълон қилинсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари 2014 йил 2 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзоллигига номзодлар тавсия этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби 2014 йил 12 октябрга қадар тасдиқлансин.

2-бет

### ЎзМТДП ҳаёти

## Сайлов кампанияси бошланди

бу жараёнда партия олдида турган муҳим вазифалар Ижроия Кўмита йиғилишида муҳокама қилинди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида бўлиб ўтаётган сайловларда ЎзМТДПнинг иштироки, партиянинг янги сайловда Платформаси лойиҳасини янада такомиллаштириш, ЎзМТДП Марказий Кенгашининг навбатдаги пленумини чақириш ҳамда партия ҳаётига оид бошқа масалалар муҳокама этилди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди. Партия раҳбири ўз сўзида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингани, шу муносабат билан сайловларга тайёргарлик кўриш ва унда муносиб иштирок этиш борасидаги партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг иш режаси ҳақида тўхталиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолддин Сафоев кун тар-

тибидagi иккинчи масала юзасидан маъруза қилар экан, асосий эътиборни ЎзМТДПнинг янги сайловда Платформаси лойиҳаси ва ундаги ўзига хос жиҳатларга қаратди. Таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловда Платформаси миллий тикланиш гоёси билан сўғорилган вазифаларга бойлиги, партия дастурий мақсад ва вазифаларини аниқ ифода этиши ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва фракцияси аъзолари, партия ҳудудий ташкилотлари фаолларининг таклифлари инobatга олинмоқда.

Йиғилиш кун тартибидagi учинчи — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги Пленумини чақириш масаласи юзасидан партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Улугбек Муҳаммадиев сўзга чиқди. Нотик партия Марказий Кенгашининг навбатдаги пленумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш ва уни сентябрь ойининг якунига қадар ўтказиш таклифини билдирди.

Шунингдек, йиғилишда партия ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Якунда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

### Фракция ҳаёти

## Давлат бюджети маблағлари

мамлакат равнақи йўлида сарфланмоқда


4-бет



«Milliy tiklanish» газетасини  
 www.milliytiklanish.uz  
 сайтида ҳам ўқинг!

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ЎзМТДП ташкилотларида

# Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир

шиори ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг бош мавзусига айланган



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Чунки мазкур табрикда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган. Табрикда халқимиз учун яна бир энг муҳим жиҳат — маънавиятни асраб-авайлаш, ўзликини англаш, дунё тамаддунига ўзининг бекиёс хиссасини қўшган аждодларнинг вориси эканимизни янада чуқурроқ тушуниш кераклиги таъкидланди. Партиямиз ҳам Президентимиз нуктадан келиб чиққан ҳолда ўз олдидаги мақсад ва вазифаларни белгилаб олди. Эндиликда барча партия ташкилотлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда ана шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратилади, - деди партия раҳбари.

Чиндан ҳам истиқлол бизга минг йиллик аъналаримиз, қадрият ва урф-одатларимизни қайтиб берди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, собиқ тузум даврида сохталаштирилган ва қораланган тарихимизни ҳаққоний равишда ўрганиш бошланди. Ўтган 23 йил давомида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шахрисабз сингари қадимий шаҳарларимиз, Имом Бухорий, Бурхониддин Марғинони, Абу Мансур Мотуридид, Аҳмад Фароний, Мусо ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби дунё илм-фанига бекиёс хисса қўшган алломаларимизнинг юбилейлари нишонланди. Уларнинг илмий меросини ўрганиш бошланди. Жорий йилнинг 15-16 май кунлари, кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқандда "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига даги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг бўлиб ўтгани бу борада амалга оширилаётган ишларнинг амалий натижасидир. Конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлаган Давлатимиз раҳбари ўрта асрларда юртимизда яшган алломаларнинг илмий, маърифий ва фалсафий меросини ўрганиш, уларнинг замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган хиссасини идрок этиш, бу борадаги халқаро илмий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган эди. "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалиш" мавзусида бўлиб ўтган семинарда сўз олган ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Аслитдин Низомов масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратди.

Партия Навоий вилоят Кенгашида ўтказилган семинарда ҳам мустақиллик берган имкониятлар ҳақида фикр юритилди. — Ёшларга қаратилаётган эътибор, уларни аждодларга муносиб қилиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир, - деди тадбирда маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, фракция раҳбари Улуғбек Мухаммадиев. — Ётуқ, интеллектуал салоҳиятни ёшларимиз инновацион голяри, лойиҳалари, ишланмалари билан мамлакатимизнинг жадал тараққиётини таъминлашга астойдил киришганлари ҳар бир соҳада кўзга яққол ташланмоқда. Шақ-шубҳасиз, ана шундай ёшларнинг билими ва кенг дунёқараш соҳиби бўлиб шаклланишида Президентимиз раҳнамолигида ёшлар масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани муштаҳкам пойдевор бўлганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш даркор. Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада тарихий аҳамиятга эга.

Шунингдек, тадбирда халқимизнинг бой ва ўлмас қадриятларидан саналган

мехр-оқибат, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат тушунчаларининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, ўзбек халқи ўзининг меҳмондўстлиги, тантлиги, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиши, ён-атрофдагилар, дўсту ёрга меҳр-оқибати, бағрикенглиги ва ўзаро ҳурмати билан дунё халқлари ҳавасу ҳайратига сазовор бўлган халқ ҳисобланади. Дунёнинг турли бурчакларидан юртимизга ташриф буюрган меҳмон борки, халқимизнинг бу каби қадриятларига қизиқиш билдиради, қадрлайди ва ҳавас қилади. Мустақиллигимизнинг йилгирма уч йиллиги тантаналарида халқимизга байрам табриги йўллаган Давлатимиз раҳбари мазкур азалий қадриятларимиз ҳақида тўлқинланиб сўзладилар.

"...Мамлакатимиз тараққиётида янги босқич ва уфқларни забт этишда барчамизни қувонтирадиган, энг катта мезон, аввало, юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити, ватандошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқарashi ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва фаоллиги, десак, ҳеч қандай хато бўлмайдими", деган эди Давлатимиз раҳбари ўз нутқида.

Ҳақиқатдан ҳам, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат халқимизнинг қон-қонига сингириб кетган қадрият сифатида минг йиллардан бунён яшаб келмоқда. Дунё тилларининг ҳеч бирига таржима қилиш мумкин бўлмаган бу инсоний туйғулур ўзбек халқининг буюклигидан далолат. Президентимиз таъбири билан айтганда, мустақиллик йилларида эришилган барча марралар мана шу ўлмас қадриятларимиз ва халқимизнинг бирдамлиги туфайли амалга ошди.

Мустақиллик аждодларимизнинг буюк илмий меросини дунёга кўз-кўз этишга замин ҳозирлади. Уларнинг дунё тамаддунига қўшган хиссаларидан фخرланиш имконини берди. Эришаётган юксак марраларимизда, шақ-шубҳасизки, бутун қадр топган аллома ва олимларимиз, аждодларимизнинг руҳлари мададкор. Зеро, ўзлигини, ота-боболари сиймосини унутмаган халқнинг эртаси порлоқ бўлади. Самарқандда бўлиб ўтган тадбир иштирокчилари ҳам бу ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди.

— Комил инсон тарбиясида ўзликини англаш етакчи ўринда туради, - деди тадбирда иштирок этган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Ўзлигининг таянчи эса тарих ва маънавиятидир. Халқни халқ, миллатни миллат сифатида асраб қолиш, унинг равнақ топиб, дунё тамаддунидан муносиб жой эгаллашда улгувор тарихимиз ва маънавиятимизнинг аҳамияти бекиёс. Ўз мустақил давлати, сиёсати, иқтисодиёти, маданияти ва маънавиятига эга халқини миллий тикланишга юз тутди. Ватанимизнинг ана шундай буюк ва шонли ўтмиши, бой маънавий-маданий меросимиз, улуг аждодларимизнинг илм-фан соҳасида дунё тан олган шафқиятлари, халқимизнинг азалий ва бетакрор аънавалари миллатимизнинг дунёнинг илгор халқлари қаторидаги муносиб ўрнини таъминлади. Бундай узок тарихга ва улкан маданий меросга эга халқлар бармоқ билан санарлидир. Биз ҳақли равишда "Ҳеч кимдан кам эмасиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз."

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Анвар Мирзаев ота-боболаримизнинг бой илмий мероси нафақат биз учун балки бутун башарият учун ҳам гоё қадри эканини таъкидлади. Шунингдек, нотик тарихий ва бугунги эришилаётган ютуқ ва марралар замирида тинчлик, осойишталик, ўзаро тотувлик мужас-

самлигини эътироф этди.

Анджон вилоятида ташкил этилган "Истиқлол берган имкониятлар: Ўзбекистон кеча ва бугун" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда ҳам аждодларимизнинг абадий-илмий мероси ва ўғил-қизларимизнинг эришаётган муваффақиятлари хусусида сўз юритилди.

— Юртимиз ёшларининг эришаётган ютуқлари ва қўлга киритаётган муваффақиятлари бутун дунё жамоатчилиги томонидан муносиб эътироф этилмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов. — Ўғил-қизларимизнинг турли фанлардан ўтказилаётган дунё фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидаги галабалари ҳар бир юртошимизнинг қалбини фахр-у ифтихорга тўлдираяпти. Бу истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб таълим тизимига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг самарасидир. Бу ҳаётий ҳақиқатни Юртбошимиз яқиндагина бўлиб ўтган мустақиллигимизнинг йилгирма уч йиллик тантаналари муносабати билан йўллаган табрикда ҳам яна бир бор таъкидлаб ўтди. Табрикда шундай мумкинми?

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Анджон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Комилжон Отахонов, партия фракцияси аъзоси Қодиржон Одилов, Ўзбекистон Қарқаров Шўжуржон Мамадуллоев таъкидланганларидек, таълим тизимига берилаётган эътибор бугунги кунда юксак даражага кўтарилди. Илм-фан ривожини ва малакали кадрларни тарбиялашга ҳар доимгидан кўра кўпроқ ғамхўрлик қилинаётди. Таълим тизимини юксалтириш учун ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик йўлига қўйилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда Вестминстр (Буюк Британия), Сингапур менежментини ривожлантириш университетини (Сингапур), Инха (Жанубий Корея) каби нуфузли илм масканларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Юртимизнинг минглаб иқтидорли ёшлари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция каби мамлакатларнинг етакчи университетларида таҳсил олишмоқда. Бу эса уларнинг билим ва малакасини оширишда кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Ўзбекистон таълим тизимига ажратилаётган маблағлар бўйича ҳам дунёнинг етакчи давлатларидан бири саналади. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи бизнес мактабларидан бири — ИНСЕАД тадқиқотларига кўра, юртимиз таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратилаётган маблағлар бўйича жаҳонда бешинчи ўринни эгаллайди. Шунга ўхшаган маълумотлар БМТ ва бошқа нуфузли ташкилотлар ҳисоботларида ҳам учрайди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон мустақиллик йилларида таълим тизими, етуқ ва малакали кадрларни тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш ҳамда миллий маънавиятни асраш йўналишларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юксак марраларни забт этди. Дунё тамаддуни бешинчи тебратган улуг аждодларимизнинг муносиб издошларини тарбиялади. Бундай ёшлари бор юртининг эса эртаси фараҳбахш, келажакки порлоқ.

Ўз мухбиримиз

# Марказий сайлов комиссиясида

2014 йил 11 сентябрь кунги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳам эълон қилинди.

Брифингда сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси ва сайлов комиссиялари томонидан сайлов қонунчилигининг асосий принциплари ҳамда талаблари, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш дастурига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши алоҳида таъкидланди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси асосий кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади. Бирон-бир ташкилотнинг, авваломбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашшига, шунингдек, сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳеч қайсисига имтиёз ва преференциялар берилишига йўл қўйилмаслиги қайд этилди. Сайлов қонунчилигининг норма ва талаблари барча учун мажбурий ва бир хилдир. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов кампанияси жараёнига аралашуш ёки қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишнинг олди олинади ва қонунчилик мувофиқ чора кўрилади.

Брифинг иштирокчилари сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги янгиликлар билан таништирилди. Мамла-

катимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида 2011, 2012 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ва сайлов ҳақидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёни янада демократлаштириш, сайлов кампаниясини умумэътироф этилган демократик принциплар ва қонунчилик талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришда муҳим омил бўлганлиги таъкидланди.

Чунончи, сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари аниқ белгилаш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларни тенг шартитлар билан таъминлаш механизмлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов давомида ошқоралик таъминлашнинг ҳуқуқий механизми такомиллаштирилди.

Фаолиятнинг асосий принципларини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошқоралик ва адолатлик ташкил қиладиган Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий муштаҳамланганлиги сайловларнинг демократиклиги, очик ва ошқоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатига айлади.

Тадбир қатнашчилари бўлажак сайловларни ўтказиш бўйича тайёргарлик даврида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам таништирилди. Журналистларга сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир амалга ошири-

лаётган тадбирлар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларида олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг чиқишлари ташкил этилди, фуқаролик жамиятининг тугилари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ва илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Жорий йилнинг май-сентябрь ойларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси томонидан демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари, сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик тамойилига амал қилган ҳолда сайлов жараёнининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга бағишланган халқаро тадбирлар ўтказилгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Уларда Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустанқил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия Қўмитаси, Миллий демократия институти (АҚШ) экспертлари, АҚШ, Франция, Испания, Италия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа давлатлардан олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Хорижий иштирокчилар Ўзбекистон сайлов қонунчилиги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келишини таъкидлади.

Брифингда бугунги кунда Ўзбекистонда эркин, адолатли ва демократик сайловларни очиклик, ошқоралик ва транспарентлик руҳида ўтказиш учун барча зарур ҳуқуқий асослар мавжудлиги қайд этилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

2014 йил 22 октябрга қадар сайлов ўчарстқаларини; 2014 йил 11 ноябрга қадар ўчарстқа сайлов комиссияларини тузадилар.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссияларига:

туман, шаҳар ҳокимликлари 2014 йил 12 октябрга қадар сайлов ўчарстқаларини тузиш бўйича тақдимномалар киритилади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари 2014 йил 1 ноябрга қадар ўчарстқа сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодлар тавсия этади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қонунда белгиланган тартиб ва муддатда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов ўчарстқаларини тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдимнома киритсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, қонунда белгиланган тартибда тузиладиган сайлов ўчарстқалари ва ўчарстқа сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлови, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови учун ягона ҳисобланади.

11. Белгилаб қўйилсинки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 2014 йил 12 октябрга қадар тақдим этишлари лозим;

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2014 йил 9 ноябрда тўхтатилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш 2014 йил 16 ноябрда тугайди;

манфаатдор ташкилотлар ўз қузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясига 2014 йил 6 декабрга қадар маълум қилишлари лозим.

12. Ўчарстқа сайлов комиссиялари: сайловчилар рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2014 йил 6 декабрга қадар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қўйин бўлган ерларда, қамқода сақлаш жойларида тузилган сайлов ўчарстқаларида эса 2014 йил 14 декабрга қадар тақдим қилиши; сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ҳамда вақти тўғрисида сайловчилар ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлаши;

2014 йил 11 декабрга қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этиши;

2014 йил 11 декабрдан 19 декабрга қадар муддатидан олдин овоз беришни ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Қайд этилсинки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27 ва 38-моддаларига мувофиқ:

сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ва 2014 йилнинг 19 декабрда тугайди. Сайлов кунини ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганда сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди; овоз бериш 2014 йил 21 декабрда соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади.

14. Белгилаб қўйилсинки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42 ва 43-моддаларига мувофиқ; ўчарстқа сайлов комиссиялари 2014 йил 21 декабрда овоз бериш тугагач, овоз бериш якунларини чиқаришга киришади, комиссия мажлисида кўриб чиқиш натижалари бўйича баённома тузади ва уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тақдим этади. Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ баённома ўчарстқа сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ўчарстқа сайлов комиссияси баённомаси ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатта осиб қўйилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ўчарстқа сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига 2014 йил 25 декабрга қадар белгиланган тартибда баённома тақдим этади.

15. Сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатларнинг рўйхати 2014 йилнинг 31 декабрга қадар матбуотда эълон қилинсин.

16. Агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси округда 2015 йил 4 январга қадар такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади.

17. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига мувофиқ Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференцияси белгиланган тартибда 2014 йил 21 декабрда ўтказилсин.

18. Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, сайлов тўғрисидаги қонунларга, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади.

19. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри 2014 йил 11 сентябрь





# Жараён

*Бир пайт билдирган фикримни яна такрор айтаман: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки ҳали орқададирмиз. Лекин, биз ўз йўлимизни талладик ва бу йўлдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра албатта бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қарасанда, энг энгилмас куч ўзи нима? Юксак маънавиятли халқ эмасми? Ўзингиз айтинг, бундай халқни энгиб бўладими?*

Ислом КАРИМОВ



## МАЪНАВИЯТ МИНОРАЛАРИ

**МАЪНАВИЙ БОЙЛИК ИНДЕКСЛАРИ**  
Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган табрик сўзида "Ўзбек модели" натижалари мамнуният билан тилга олинди. Мамлакатимиз тараққиётида янги босқич ва уфқларни забт этишда барчамизни қувонтирган энг катта мезон - маънавият билан боғлиқ кадрлар эканлиги эътироф этилди. Булар аввало: барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити; **ватандошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва фаоллиги** эканлиги айтилди.

Бу сўзларни тез, қаторасига ўқиб кетиб бўлмайди. Чунки улар оддий сўзлар эмас, калит сўзлардир. Уларнинг ҳар бири халқимизнинг қайфиятини, мамлакатимиздаги маънавий муҳитнинг бир қиррасини аниқлатади. Эътибор берсак, бу сўзлар дунёнинг ўнлаб минтақаларида бой берилган, халқлари орзу қилаётган меҳрибон маънавий муҳитни кўрсатади.  
Биз 1991 йилгача бемехр давлатда яшадик. Ақс ҳолда бизлар "иккинчи даражали одамлар" бўлмас эдик. Елкамиз қисқик, бўйимиз эгик, оғзимиз бежик эди. 23 йилки ўзимизнинг, меҳрибон давлатимизда яшапмиз. "Ўзбек модели" **барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат** муҳитини таъминлади. Шунинг учун бугун биз учун бу сўзлар оддий сўзлар эмас. Бу сўзлар юртимиздаги маънавий муҳитнинг кўрсаткичлари, бошқача қилиб айтганда:

- 20 йилда Ўзбекистонни, ўзбекистонликларни дунёнинг кўз олдида кўрсатган;
- Ўзбекинг елкасидан қутиб, эгик қаддини тик қилган, заъфаран оюзлари қизил ранг киритиб, кўзларини чақнатган;
- қашшоқ мамлакатни бой, мулкисаларни мулкдор қилган;
- совет империясидаги иккинчи даражали одамларни "Ислохот ислохот учун эмас, Инсон учун", деб, биринчи даражага кўтарган;
- улларнинг болаларини жаҳон шохсупаларига кўтариб, шода-шода олтин медалларга муносиб қилган маънавий бойликнинг индекслари.

**ГЛОБАЛ ДАЪВАТ**  
Жамоа бўлиб яшаш — бизнинг азалий, миллий анъанамиз. Жамоавийлик - одамларни бир-бирини қўллаштиради, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшашга замин туғдиради. Қўллаб-қувватлаш эса аввало меҳрдан ва меҳрга оқибатдан бошланади. Демак, меҳр-оқибатни фуқароларнинг кундалик муносабатларида ҳам, халқаро муносабатларда ҳам маънавий минораси(-маёғи)деса бўлади. Чунки у бир-бирини қўллаб-қувватлаш, дўстлик, ҳамкорликнинг энг инсонпарвар тарзини кўрсатар экан.

Глобаллашув XXI аср одамларининг хулқини кескин ўзгартириб бормоқда. Одамлар орасида атомлашши тобора тезлашиб бораётди. Атомлашши бу — одамларнинг бир-бирдан авто-

### Партия гуруҳларида

*ЎЗМТДП дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, электротар манфаатларини ҳимоя қилишда партия гуруҳларининг самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, депутатлар томонидан мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ва қарорлар бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиши, уларнинг ижроси юзасидан назорат ўрнатилиши аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши билан бир қаторда партия нуфузининг ошишига ҳам ҳисса қўшади.*

Халқ депутатлари Кўшкүпир туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган 9 нафар депутат ҳам партия электротар манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ташаббускорлигини намоян этиб келмоқда. Туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги қўллаб масалалар уларнинг фаоллигида ўз ечимини топмоқда. Айниқса, ўтган йили партия гуруҳи томонидан худудда миллий хунармандчиликни ривожлантириш хусусида халқ депутатлари туман Кенга-

шига киритилган ташаббус-масала мазкур соҳанинг сезиларли даражада равнақ топишига хизмат қилмоқда. Хусусан, сессия қарорига кўра, ҳар чорак якунида Республика "Хунарманд" уюмчаси Кўшкүпир туман бўлими раҳбари соҳани юксалтириш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот бериши йўлга қўйилди. Натيجида мазкур йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қарати-

номлаштириш, ҳар кимнинг ўз ҳаёти билан яшاشи, бошқаларга мутлақо бефарқлиги. Эгоцентризм, худбинлик, ксенофобия. Одамнинг жамият билан алоқаларини узиб, ўзининг тор оламида ўзи учун яшашини. Лоқайдлик, "менга нима"нинг легитимлаштириш.

Бундай вазиятда инсондаги инсонийликни, меҳр-оқибатни ҳимоя қилиш, сақлаб қолиш керак. Лекин дунёда бу гуманитар инқирозни тушунадиган, халқ қиладиган давлат, халқро ташкилот чиқмади. БМТ "Инсоният инсонийлигини сақлаб қола оладими?" деган муаммони 1989 йилда дунёнинг 31 мамлакати олим ва арбобларини тўплаб, илмий тадқиқ қилиб кўрди. Лекин ҳал қила олмади. Чунки саҳролашув, минтақавий можаролар, ҳарбий асирларга меҳрибонлик каби иқлимчи масалалар билан ўраллашиб қолинди. Чунки асосий сабаб — инсон маънавияти эътибордан четда қолдирилди.

Орадан 19 йил ўтди. 2008 йилда Ўзбекистон Президентининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" китоби ҳақидаги хабар оламга ёйилди. Китоб халқро жамоатчиликнинг катта қизиқишини уйғотди. Бугунги кунда бу китобнинг Шарқу Фарғинга қатор тилларига таржима қилинган ва қилинаётгани куйидаги уч ҳақиқатни очиб берди:

- **биринчидан**, дунёнинг инсонпарвар намоёнлари жаҳонда кечаётган маънавий инқироздан ташвишланиб, ундан чиқиш йўллари кидиришаётганлигини;
- **иккинчидан**, бу инқироздан чиқишнинг маърифий воситаларидан бири сифатида "Юксак маънавият — энгилмас куч"ни кўраётганликларини;
- **учинчидан**, "олами маънавият кутқаради", деган бундай даъват аждоқлардан азалдан илмфан, маънавият ва маърифат ботида пешқадам, дунёнинг цивилизация марказларида яратилишини кўрсатди. (Бу ҳақда АҚШнинг Ж.Хопкинс университетининг Марказий Осие ва Кавказ институти раиси Фредерик Старр: "**Ҳозирги Ўзбекистон заминидagi интеллектуал савлоҳиат минг йиллар давомида Европа ва Осиё китобларини ҳаракатга келтирди**", деди ва ўша олтин давр тарихини жаҳон жамоатчилигига етказиш жуда зарурлигини таъкидлади).

Таъбир жоиз бўлса, бу китоб чиққанидан кейинги йилларда Ўзбекистон эришган ютуқлар бу заминнинг қайта уйғонганидан дарак берди. XXI асрда инсониятни маънавий юксалишига, ўзаро меҳр-оқибатга чорлаган янги, глобал даъвати бўлди. (Хурматли йўқчи. *Мабодо бошқа мамлакатлар раҳбарларининг мана шундай маънавий ташаббуслари битилган асарларини билсангиз, давомига ёзиб кўрасиз:*

- 1. "Юксак маънавият — энгилмас куч" (Ўзбекистон).
- 2. ....
- 3. ....

### МЕҲР — КУЁШ ДЕМАК

Бир неъмат бор, олувчи одам учун жуда қиммат. Бир неъмат, берувчи учун текин. Инсон уни доим, кутади, ҳеч қачон "бас, етарли", "тўйдим", демайди. Бу — меҳр.

### Муносабат

Меҳр — ўзбек маънавиятининг гавҳари. Шунинг учун бу сўз кўшиқларимизда кўп айтулади, куйланади. Меҳр сўзига энг ёқимли сўзларини қўшиб: **меҳр-шафқат, меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, меҳр-мурувват** дейди ўзбек. Бунда меҳр — яхши ёриш маъносига келади. Оқибат эса меҳрга жавобан — натижа, кейинги ишлар, даволат. Шунинг учун халқимиз айрим кишиларни "Фалончимиз? У жуда яхши, оқибатли одам", деб алқайди. Мурувват — олийжаноблик, мардлик, яхшиликка сабаб бўладиган хайрли иш, очик қўллик, бегараз саҳийликни аниқлатади. Меҳрда сеҳр бор, ҳарорат, ёруғлик бор. Чунки "меҳр" сўзининг маъноларидан бири "куёш"ни аниқлатади. Куёш эса эвазига ҳеч нарса талаб қилмай олами ёритади, иситади. Табиатда кун билан тун бир йилда икки марта тенглашганида баҳордагисини Наврўз, десак, куздагисини Меҳрхон деймиш. Шунинг учун ҳам устозларни, улуг инсонларни куёшга ўхшатиб улуғлашган:

**Меҳр нури ёғар доим, Юзингиздан устозлар**, деб куйлайди меҳрли хонандами Санобар Раҳмонова.

Ёки  
**Эй шох, қарам айлар чоғи, тенг тут ёмон яхшини,**

**Ким меҳр нури тенг солару вайрону обод устина,**

деб наъра тортади Оғажий бобомиз ўзининг Феруз ашуласига асос бўлган ғазалида. Унда шоир меҳр, яъни (куёш) ўз нурини вайронга ҳам, обод жойларга ҳам бир хил сочади, дейди. Ҳамма, ҳамма жойда, ҳаммага меҳрибон бўлишга қарайди.

Худди шунингдек, биз "меҳрибон" деган сўзни ҳаммага ҳам айтавермаймиш. Кимки бизга табассум билан боқиб, сўзлаб, ўзидан иссиқлик ва ёруғлик таратиб, бизга яхшилик қилишга шайлигини билдириб турса, ўша кишини меҳрибон деб биламиз. Лекин оғоҳ бўлайлик-ки, бундан айрим ёт гоилар гумашилари, фирибгарлар, рекруторлар сойлабди колмасин.

Нимаки бор бўлса, у билинади. Нимаки билмас, у бор. Меҳр-чи? Меҳр ҳам. У қаршига турган кишининг табассуми бўлиб кўзга кўринади. Очикчеҳра, табассум одамнинг одамига "мен сизга яхшилик тайламан", деган ишораси. Шунинг учун табассумингиз-қаршингизда турган одамга садақангизид, дейилади ҳадиси шарифда. Меҳр сўз бўлиб қулқоққа эшитилади, нарсаси, буюм, ёрдам бўлиб бериб, олинади. Меҳр — қилинаётган амалий ишларда, берилаётган ёрдамга кўринади, билинади.

Оқибат-чи? Оқибат - меҳрининг давоми, жавоби. Оқибат бирор сўз айтилганидан, иш қилинганидан кейин ўтган вақт, ишнинг орқаси, давоми, кейини, дегани. Бухорода Баҳовуддин Нақшбанд мажмуидаги қудуқ ёнида бир кичикроқ минора бор. Ана шу миноранинг тепасига "Оқибати хайрли бўлсин", деб ёзиб қўйилган.

Маънавият тадқиқотчиси Эргаш Даминовнинг айтишига қараганда бу ҳикмат мажмуанинги икки жойига ёзилган. Биринчиси, Нақшбандий ҳазратларининг оналари Биби Орифа номи билан юритилувчи масжид ичиде тўрт марта (!) ёзилган. Масжид XVII асрда қурилган. Демак, ўтган 400 йил давомида бу ерга ҳар кун камиде 100 нафар киши зиёратга келган бўлса, тахминан 15 миллионга яқин киши бу ҳикматни кўнглига жо қилган. Ундан сўнги, Нақшбандий шарафига XIX асрда қурилган мақбара минорасига тахминан 1885 йилда битилган. Бу ерга ҳар кун тахминан 200 киши ташриф буюришини инобатга олсак, ўтган 129 йилда 10 миллионга яқин одам келган. Хуллас, икки обидага жами — 25 000 000 нафардан ортик киши келиб, бу ҳикматни ўқигани маълум бўлади. Бу маънавият минораси эртага, кейинги асрларда бизнинг неварга, чеварларимизга ҳам бу ҳикматни тарғиб қилавереди. Юртимизнинг бундан кейин ҳам меҳр-оқибат юрти бўлиб қолишига ўз хиссасини қўшавереди.

Меҳрга оқибат ярашади. Ақс ҳолда халқимиз бундай одамни "оқибатсиз" дейди. Бу худди салом берган кишига алиқ олмасликка, чанқаб турган кишига муздак сув тутган кишига раҳмат айтмасликка, қийин аҳволга тушиб қолганда бир халоскор келиб уни қутқазса, эртасига озод бўлган киши ўзининг халоскорини кўриб қўзмасликка олиб ўтиб кетишига ўхшайди. Меҳр-оқибатли бўлиш ҳаммининг ҳам қўлидан келар-бермайди. Бунинг учун киши фидойи, меҳрибон бўлиш керак. Худди куёшдек, оналардек.

### ЭНГ МЕҲРИБОН ИНСОН КИМ?

Ривоят қилишларича, худо одамни яратиб, 99 меҳрни ўзида қолдириб, 1 меҳрни одам қалбига жо қилибди. Одамга берилган меҳрининг 99 фоизини онага, аёлга бериб, қолганини бошқаларга берган экан. Шунинг учун оналарнинг меҳри чек-чегара билмайди, дейдилар.

Ҳа. Дунёда ҳар биримизнинг энг меҳрибон кимимиз бор(эди). Онаимизнинг меҳрини бизга

ҳеч ким бера олмади. Чунки "фарзанд" сўзининг маъноси — "аёл бахти", деганидир. Ёшимиз улғайиб, ўйласак, оналаримиз бизга "ўзимнинг бахтим", деб бир умр тўймай текилиб яшаган экан. Худди Мустақиллик майдонидага фазз бериб турган "Бахтиёр она" монументидаги фаришта юзли она кибди. Унинг нигоҳида она меҳри худди куёш нурадек, ёруғлик, ёруғлик эканлиги кўриниб туради.

Она меҳри — маънавий сўт. Оналар бир умр, кечаю-кундуз, ўзларининг сўнги нафасларига-ча олдимизга меҳрларини тутиб, пешвоз чиқадилар. Баъзан, ярим тунда, ишдан чарчаб келган кунларимизда бизни кутиб ухламай ўтирган онамизни койганимиз. Онамиз эса бироз тин олиб, барибир... меҳрибонлик қилаверган. Вақт ўтган, кўпчилигимиз "қани эди онам бўлса-ю, хизматларини қилсайдим", деб хўрсиниб кўямиз. Чунки онамизнинг фафти ва нуридан кўнглимизни бир иситиб, ёритиб олиш илнжимиз бор. Шунки кўмсаймиш. Бироқ, бунинг иложи йўқ.

Ҳар бир киши ортига қараб, мушоҳада қилиб курса, минглаб таниш кишиларнинг қиёфалари кўз олдида ўтади. Агарда уларнинг сизга муносабатларини "меҳрибонлик" индекси орқали таснифлаб кўрсангиз, атрофингизда дунёга келиб топган, меҳри сизга энг қайноқ, меҳрибон кишиларингиз даврасини кўрасиз. Меҳри, харорати илиқ ёки сезилмайдиган таниш-билишлар чехралари сал нарироқдан кўринади.

Меҳрибонларининг телефон рақамларини ёддан биласиз. Уларни кўп эслайсиз. Уларни кўрингиз, гаплашиб ўтиргингиз келди. Бугун ҳам, эртага ҳам... Уларни кўмсайсиз. "Қорнинг ўзинг тўйдирасан, кўнглингни бошқалар тўйдирасан", деганларидек, улар билан кўришиб, гаплашганингиздан кейин кўнглингни тўяди. Узингизни мамнун, тўқис ҳис қиласиз. Бироқ, бир-икки кун ўтган, бу тўқислик камайиб бораверди. Худди телефонингизнинг батареяси жоизсанлиб борганидек. Ва сиз яна... ўша, кўрғанда, гаплашганда яйрайдиган кишиларингиздан бирининг телефон рақамини терасиз. Чунки қалбингизни "тўйинтириб" олишингиз керак.

Меҳр-оқибат ўзбекона маънога эга. Меҳр — ўзбекчадан бошқа тилга таржима қилса, таъми бузиладиган, ширин сўз. Чунки бошқа жойларда бу сўзларга маъно берадиган ўзбекона маънавий муҳит йўқ. Шунинг учун ҳам меҳр билан боғлиқ фазилатлар ҳақида "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида: "...**тилнимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадрият деган, бир-бирини чуқур маъно-маълум билан бойтадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик галати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишининг ўзи мушкул бир муаммо.**

**Шуни айтиш лозимки, бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулқоқ хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар ёқарлар мубойинда эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вуждуга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюқ қадриятларнинг амалий ифодасидир**", дейилган.

Китобда меҳр-оқибат тушунчаси батафсил таҳлил қилиб берилган. У теран тарихий, миллий, диний илдиларга эга. Меҳр-оқибатнинг намоён бўлиш даражалари бор: "**Бу аввало инсоннинг инсон билан, кўшнининг кўшни билан, қариндошининг қариндош оиланинг оила билан, энг муҳими, шахсининг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, бегараз ёрдам беришни аниқлаш ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмади**".

### ШУҚРОНАЛАР

Ушбу сатрларни ўқиган, халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетган меҳрибонлик фазилати мустақил Ўзбекистон давлатининг ижтимоий сиёсати тамойилига айланганини сезасиз. Келинг, биз ҳаётда одамлар айтаётган, газеталаримиз ёзаётган, телеканалларимиз кўрсатаётган шўқроналикнинг ҳаётий фактларини эслатайлик. Халқимиз ичиде кўп юрадиган кишилар буни кўп айтадилар. Одамларимизнинг содда қилиб айтадиган:

— "Давлатимиз меҳрибон. Раҳмат. Ерсиз эдик, ер берди. Ерли бўлдиқ; уйсиз эдик. Намунали ўй-жой, "Қамолот" уйлариини берди. Уйли бўлдиқ";

— "Болаларимизга халқро спорт саройларининг эшикларни ёпиқ эди. 74 йилда ўзбекнинг атига бештагина боласи халқро спорт мусобақасида қатнашибди. Қолганининг этган жойи нари борса, Тошкент бўларди. Давлатимизга раҳмат. Болаларимиз учун жаҳон спортга йўл очди. Охириги беш йилда 400 га яқин Ўзбекистон

болалари жаҳон мусобақаларида қатнашибди. Жуда кўли — голиб!";

— "Таълим "қолдиқ" соҳа эди. Давлатимизнинг устувор сиёсатида айланди. Дунё бизнинг тажрибамизни ўрганаётди. Бўлар экан-ку";

— "Оналар ва болалар ўлими кўпчилиги бўйича собиқ Иттифоқ республикалари ичиде Ўзбекистон 1-2 ўринларда турар эди. Кескин камайди. Умримизга 7,5 йил умр қўшди. Дунё бизнинг тажрибамизни ўрганаётди. Бўлар экан-ку. Давлатимизга раҳмат!";

— "Мустақил бўлганимизда хавф-хатар кўп, нотинч эдик. 23 йилда Ватанимизга неча-неча душманлар чанг солиб кўрди. Давлатимиз бизни ҳаммасидан қон тўқмай, сиёбат билан, Президентимизнинг матонати билан тинчлигимизни мардона ҳимоя қилиб қолди!";

— "25 йил олдин Ўзбекистондан ҳаж зиёратига борувчилар бир йилда 5 тага ҳам етмас эди. Ҳозир ҳар йили 5000 дан ортик ўзбекистонлик ҳожиде бўлаётди. Бу 1000 қарра кўпайди, дегани-ку!";

— "Шўро даврида маҳалламизда битта бую хонадонда энгил машина бўларди. Ҳозир эса маҳалламизда битта хонадонда энгил машина йўқ. Қолган ҳаммада бор. Ҳамма бой бўлиб кетди. Давлатимизга раҳмат!";

— "Ота-боболаримизнинг руҳи шод. Мақбаралари обод. Уларнинг шўҳрати қайтадан оламга ёйилаётди. Шунинг учун ҳам Оллоҳ ўзи асраятти. Юртимизга кўз тегмасин. Давлатимизга раҳмат...", деган гапларни кўп эшитамиз. Чунки "**Ким эдигу ким бўлдиқ?**" деган савол мамнун жавобларимизни баралла айтишга ундаётди. Жавобларимиздан меҳрга оқибатнинг миллий ихрои анграммоқда. Чунки ҳар соҳада "Ким эдик" деганда ерга қарасак, "Ким бўлдиқ", деганда миноралар бандлигини кўраёмиз. Буларнинг барчасига Президентимиз айтганларидек, барча марраларни забт этишда асосий мезон бўлиб хизмат қилаётган юксак маънавий қадриятларимизга таяндик.

Кўринадиган нарсаларнинг сабаби — кўрнимайдиган нарсаларда. Қаттиқ нарсаларнинг сабаби — юмшоқ нарсаларда. Маънавият — кўрнимайдиган, юмшоқ куч. Келинг, юқоридаги маънавий қадриятларимизнинг ҳар бирини бир маънавий минорага ўхшатиб кўрайлик.

Қадимий шахарларимиздаги оламга машҳур миноралар боболаримизнинг юксак маънавиятидан моддий гувоҳлик бериб туришибди. Шу бугун ҳам куёш нурали эрталаб бизга ва Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шахрисабз, Қарши ва Тошкентнинг заррин минораларига тушди. Демак улар биз билан яшапти. Улар эртага ҳам, XXII, XXX асрларда ҳам жим, салобат билан сўзлайди: "Боболаримизнинг қудратини, юксак маънавиятини билмоқчи бўлсангиз, бизларга боқинг". Амир Темур ҳазратлари Оксарой пештоқига ёздирган машҳур башорат бежиз эмас экан-да!

Минора деган сўз "нур таратиб турган иншоот", "маёқ" деган маънони билдиради. Ўзбекистон — пешоналарига эзгу гоилар ёзилган маҳабатли миноралар мамлақати. Бу миноралар аввал боболаримизнинг гоилариде, гоилардан — қозғодаги чизмаларга, чизмалардан чиқиб — майдонларда қал қўтарган. Самарқанд, Бухоро, Хивадаги энг баланд минораларнинг пойдевори 20 метргача ер қарига кириб кетган экан.

Миноралар ҳам моддий (архитектура) ҳам маънавий (ёзувларидаги маъно) объект. Моддий ва маънавий қадриятларимиздаги бу ўйгунлик маънавий илдиларимизнинг қанчалик теранлигини тасдиқлайди. Бу минораларни кўриш ҳам "эзгу фикрларни тарғиб қилайлик", деган эзгу фикрдан бошланган. Ёрни юқорида келтирганимиз "минора — ўзидан нур таратиб турадиган иншоот, маёқ" деган таърифдаги нур бу — улардаги ҳикматлар. Мана шу қисқача таҳлилнинг ўзи ҳам минораларимиз уларга кўзи тушган, улардаги эзгу фикрларни ўқиган одамлар эзгу гоиларни ёвчи маънавий тарғибот воситаси бўлганини кўрсатади. Чунки мутафаккир аждоқларимиздан бирлари Маҳдуми Аъзам айтганларидек: "Фикр кўрнимайди, аммо у кўринадиган улуг ишларни баҳаради".

Мамлакатимизда амалга оширилган милсиз бўлдиқорликлар **барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат** муҳити, ватандошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва фаоллиги каби маънавий тушунчалар заминиде юксалди. Уларни маънавият миноралари, деб айтсак арзийди. Чунки бу миноралар бугун жаҳон келиб кўраётган улуг ишларимизнинг мезон-маёқлари бўлиб хизмат қилмоқда.

**Муҳаммадхон ҚУРОНОВ,**  
**педагогика фанлари доктори,**  
**профессор,**  
**ЎЗМТДП Марказий Кенгаши аъзоси**

## Юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида

депутатлар муносиб ҳисса қўшишлари лозим

либ, туманда хунармандчилик билан шуғулланаётган сони сўнги бир йил ичиде уч баробарга кўпайди. Шунингдек, хунармандларга ўз фаолиятларини асрий анъаналар асосида йўлга қўйишларига тўлиқ шароит ишлари яратилиб, устоз-шоғирд анъанаси янада мустаҳкамланмоқда. Жумладан, кўшкүпирлик мақсади Барно Одамбоевага ҳам партия гуруҳи ҳамда туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан худуддаги бую турган эди. Натияжада қўлгил чевар 10 нафар қизнинг ишли бўлишига ёрдамлашиб, ҳозирда уларга кўрпа-ёстиқлар тикиш, жилдларга, сумкаларга кашта солиш сир-

ларини ўргатмоқда. Бугун туманда бундай уста-хунармандлар кўпайиб топилади. Улар партия гуруҳи ташаббусидан, бунинг натижасида соҳанин янада равнақ топаётганидан жуда мамнун.Бундан ташқари, депутатлик гуруҳи аъзолари электротатимиз вакиллари бўлган хунармандларга ўз фаолиятларини янада кенгайтириши учун имтиёзли банк кредитлари олишларида бевосита амалий ёрдам бермоқдалар. Имтиёзли маблағларга эга бўлган хунармандлар ўз йўналишидаги амалий санъат маҳсулотлари сони ва сифатини оширишга ҳаракат қилишяпти.

Партия сайловолди Платфор-

масида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга ҳисса қўлиш, худудларда спорт ва соғломлаштириш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби вазифаларга эътибор қаратиш депутатлар фаолиятининг устувор йўналишларидандир. Шу боис партия гуруҳи ташаббуси билан аҳоли ўртасида соғлом оила, соғлом фарзанд ва соғлом келажакни таъминлаш, бу борада Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Соғлом авлодни вояга етказиш, шунингдек, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳ-

камлашда спортнинг аҳамияти беқийёс эканлигини инобатга олиб, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Хус



### Бизнинг шарҳ

# АРКТИКА САРИ ҲАРАКАТЛАР

Ушбу кутбда муз қатламининг эриши — глобал муаммо. Мутахассисларнинг фикрича, сайёрамиз бўйлаб ҳаво ҳарорати тобора кўтарилиб бораётгани минтақадаги илгари ўзгармаган геосийсий мувозанатга таъсир қилиши мумкин



**Сайёрамизда қиш мавсуми бошланса, Арктика атрофидаги баҳс-мунозаралар биров топгандек бўлади. Бироқ ёз ва куз фаслларида минтақа борасидаги фикрлар қарама-қаршилик кўпайиб, Арктика сари "юрши"лар бошланади. Ҳозир ҳам худди шундай вазиятни кузатиш мумкин. Айниқса, ҳар ўн йилликда сайёрамизнинг муз қатлами қарийб 10 фоизга қисқариб: музликлар юқалашиб, дарз кетаётгани қитъа атрофидаги давлатларни ҳаракатга келтирмоқда.**

Айрим маълумотларга кўра, Шимолий кутб атрофидаги худудлар бағрида дунё ёнилғи захирасининг 20 фоизи мавжуд. Ҳисоб-китобларга қараганда, Арктикадаги уммон қаърида жаҳон газ захирасининг учдан бири қисми ва дунё суюқ газ конденсатининг 20 фоиз захираси сақланаётган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, глобал иссиқ оқибатида Арктика музларининг эриши шимолий Атлантика ва Тинч океани ўртасида денгиз йўлини очиш эҳтимоли мавжуд. Аслида Арктикадаги музликлар қарийб 40 йилдан буён эримоқда. Маълумотларга қараганда, оппоқ худудда ўтган 44 минг йилдаги энг иссиқ ҳарорат кузатилмоқда. Олимларнинг кузатишича, Арктикадаги муз қарийб 80 фоиз кўёш нурини ўзида ақс эттириб, энергияни космосга қайтарди. Минтақада кузатилаётган иссиқ ҳарорат ва қора сув эса аксинча, нури ўзига синдириб, музни эритади. Шунинг учун музлар қанча кам қолса, у шунчалик эрий бошлайди. Олимлар Арктикада иқлимнинг жадал иссиши сабаб бир неча ойда муз қоплами эриб кетиши мумкинлиги ва жараён у қадар узоқ келажақда юз бермаслигини таъкидламоқда. Натижада Атлантика - Тинч океани кема йўли учун янги канал ва бир неча миллиард баррел нефтга йўл очади. Арктик минтақанинг мақоми БМТнинг Денгиз ҳуқуқи конвенцияси (ДХК) то-

монидан аниқланади. Мазкур конвенцияга мувофиқ Арктика билан чегарадош мамлакатлар соҳилдан 200 миглача бўлган худуддаги табиий бойликларга эгаллик ҳуқуқини ҳимоя қилиши мумкин. Ушбу ҳужжатни етти давлат имзолаган ва ратификация қилган. Саккизинчи давлат — АҚШ ушбу келишувнинг яратилишида муҳим роль ўйнаган, аммо ҳалигача уни имзоламаган. Арктик океан билан чегарадош бешта мамлакат (АҚШ, Россия, Канада, Норвегия ва Дания) расмий доираларда қитъа билан боғлиқ масалаларда ўзларини яхши тутишга ваъда беришган бўлса-да, улар эриётган музликлар остидаги улкан океан туби ва транзит йўналишларга ўзларининг ҳуқуқларини тан олишни талаб этишмоқда. Муаммо шундаки, ҳозирча кутбий "оғайни"ларнинг турли талаблари

## ЁНИМИЗДАГИ БИОЁНИЛҒИ

Арктик технология маркази (АРТЕК) олимлари кутб акулаларининг нимталанган гўштидан биоёнилғи ишлаб чиқаришда фойдаланишни таклиф қилишган.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, кутб наҳанглари тез-тез балиқчиларнинг тўрларига илинишади. Бироқ уларнинг гўшти инсон учун захарли, шунинг учун кутб акулаларининг жасади қайта улоқтирилади. Шундай балиқнинг узунлиги етти метр бўлиб, вази бир тоннагача тош босади. Олимларнинг таҳминларига кўра, кутб акулаларининг нимталанган этини биоёнилғи учун қайта ишлаш энг мақбул қарор. Биринчидан, балиқларнинг бу тури қирилиш хавфидан узоқ. Айрим минтақаларда яқин-яқингача уларни овлаш учун давлат томонидан ҳақ тўланган. Иккинчидан, одатий ёнилғиларни етказиш жуда мураккаб саналган олис аҳоли манзиллари учун биоёнилғи кўнгилдагидек энергия манбасига айланиши мумкин.

бир-бирига тўғри келмаётир. Яқин кунлар ичида Швеция, Финляндия ва Исландия давлат мутахассислари ҳам Арктика қитъасида тадқиқотлар ўтказишни режалаштирган. Яқинда АҚШ ҳарбий денгиз кучлари ва ҳарбий ҳаво кучлари ўтган йилнинг ёзида қарийб икки ҳафта мобайнида арктик Аляскада ҳарбий тайёргарлик бўйича махсус амалиётни ўтказишди. Синчков журналистлар бунинг асл маъносини топгандай бўлишди. Таҳминларга кўра, бу ерда 15 миллиард баррел нефть ва 76 триллион куб фут табиий газ захираси мавжуд экан. Расмий Вашингтон худудда турли тадқиқотлар ёки ҳарбий амалиётлар ўтказиш борасидаги қарашларни шундай изоҳлайди: Арктика минтақаси очик уммоннинг бир қисми, шундай экан, ҳар қандай мамлакат руҳсатсиз у ерга кириши мумкин.

Музликлар мақонига жўғрофий жиҳатдан энг яқин бўлган Канада ҳам Арктиканинг шимолий-ғарбий қисмига асосий даъвогар. Канадаликлар узоқ шимолий кўриқлаш учун океан ичкарисида порт ва ҳарбий база қуриш, музёрар кемалар яратишни режалаштирган. Шимолий муз океанининг бир бўлаги, айни пайтда Атлантика ва Тинч океанини туташтириб турувчи ушбу худуд стра-

тегик нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга. Агар муз эриши шу тариқа давом этса, мазкур худудда Шимолий Американи Осиё билан боғловчи энг яқин йўл очилиши мумкин. Бу ҳозир Панама орқали ўтаётган йўлдан 6500 км. яқинроқ бўлади. Ушбу йўналиш қисқа ва йил мобайнида Осиё ва Европани боғлаб туришга қодир денгиз йўли бўлиб, Панама канали чекловларидан қутулишга имкон беради. Канада шимолий-ғарбий қисмини мамлакатнинг ички денгиз худуди деб ҳисоблайди. Оттава расмийларининг билдиришича, Мичиганга Америка қандай ҳақли бўлса, Канада ҳам шимолий худудларга шунчалик ҳақли. Мутахассисларнинг фикрича, АҚШ Арктикадан бироз узоқроқда жойлашган бўлса, Канада Арктика билан ён қўшни. Шу жиҳатдан ҳар икки қўшни давлатлар Арктика борасида бир ёқадан бош чиқариши лозимлиги таъкидланмоқда.

Хитой ҳам минтақадан фойдаланишни бошқаришда фаол ролни ўйнаш истагида. Стокгольм халқаро тинчлик масалалари тадқиқоти институти маълумотларига кўра, Арктика Африка ва Ҳинд океанидан кейин Хитойнинг глобал стратегик манфаатларини белгилловчи навбатдаги минтақага айланиши мумкин. Хитой Африкада сарможаларини ошириб бораётган бўлса, Ҳинд океанида иштирокини кенгайтирмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, Арктикадаги табиий бойликларга йўл очиши Хитойга стратегик манфаатларини бериши мумкин.

Ҳозирча даъвогар мамлакатлар ўз стратегиялари бўйича ҳаракат қилишмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, бир неча ўн йилликка чўзилиш тахмин этилаётган Арктика баҳслари билан яқин келажақда БМТ шугулланиши ҳам мумкин. Дунё давлатларининг Арктикага қизиқишлари кўпроқ бу ердаги табиий бойликлар билан боғлиқ. Аммо унга етиб олиш қийин: шубҳасизки, бу йўлда музлар ғов бўлади. Ундан ҳам ташвишлиси, табиий бойликларни қўлга киритиш борасидаги ҳаракатлар сайёрамиздаги бетаҳрор Арктика экосистемасига тузалмас зиён етказиши турган гап.

Бехбуд БОТИРОВ,  
"Milliy tiklanish" шарҳловчиси

## Нисбатан кучли

Япония шарқида 5.8 балли зилзила содир бўлган. Оқибатда икки киши жароҳатланган, улар ҳаёти хавф остида эмас, деб хабар беради РИА «Новости». Зилзила Ибарак префектурасида маҳаллий вақт билан 12:28 да рўй берган. Ер силкиниши маркази 50 километр чуқурликда бўлган. Цунами хавфи ҳақида огоҳлантириш берилмаган. Зилзила 5 балли куч билан 25 та префектура, жумладан, Тотиғи, Гунма, Сайтама, Фукусимага, шунингдек, мамлакат пойтахти Токиога ҳам етиб борган.



## Жиддий чоралар зарур

Еврохудуд иқтисодий кўрсаткичлари аввал башорат қилинганидан пастроқ бўлади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) еврохудуд иқтисоди жорий йилда атиги 0,8 фоиз, 2015 йилда эса 1,1 фоизга ўсишини башорат қилмоқда. Мазкур ташкилот вакилларининг фикрича, 2014 ва 2015 йилларда еврохудуд мамлакатларида иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари аввал башорат қилинганидан пастроқ бўлиши мумкин. Маркази Парижда жойлашган ташкилот дефляция хатарининг олдини олиш учун Европа Марказий банкни жиддий чораларни кўришга чақирди. Шу йилнинг май ойида ИХТТ 2014 йилда еврохудуд иқтисоди 1,2 фоиз, 2015 йилда эса 1,7 фоиз ўсишини тахмин қилганди.



## Эвакуация давом этмоқда

Покистоннинг Панжоб вилоятида сув тошқинларидан азият чекканларга армия томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. Аҳоли хавфли худудлардан қайиқлар ёрдамида олиб чиқилмоқда. Эслатиб ўтамиз, Покистон ва Ҳиндистондаги кучли сув тошқинларига мавсумий ёмғирлар сабаб бўлган. Табиий офат қарийб 500 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Яна 300 минг киши эвакуация қилинган, деб ёзади "Euronews".



## Фақат энг яхшиси

"Apple" "iPhone 6" ва "iPhone 6 plus" смартфонлари тақдимоти ўтказди. "RIA Новости" хабарига кўра, янги русумдаги смартфонлар аввалги моделлардан катта экрани ҳамда юқори ишлаб чиқариш қуввати билан фарқ қилади. Шунингдек, компания «аклли» "Apple Watch" сотқаларини ҳам намойиш қилди. Мазкур қурилма матнли хабарлар, суратларни кўрсатади, шу билан бирга, эгасининг томир уришини аниқлаб бера олади. «Бу биз яратган смартфоннинг энг яхшиси», - дейди компания раҳбари Тим Кук тақдимот маросимида.



## Ёмғирлар кўпайди

Сайёрамиз бўйлаб ўтган бир аср давомида ёққан ёмғирлар қарийб 10 фоизга ортган. Бутунжаҳон метеорология ташкилоти вакилларининг айтишича, ёмғирларнинг кўпайиши айрим худудларда тошқинлар, баъзи минтақаларда қуруқликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Агар ёмғирлар ёғиши кўпайиб борса, ўрта ва юқори кенгликларда табиий офатларнинг кўпайиши кузатилади. Мутахассисларнинг фикрича, ўтган 10 йилда ҳавонинг ўртача ҳарорати 0,4 дан 0,6 даражага кўтарилган. Оқибатда Арктика ва Антарктида музликлари эриб, океан сатҳи 10-25 сантиметрга кўтарилган. Марказий Осиё ва Осиё минтақаларида ёмғирчилик кўпайиб, ўз навбатида қурғоқчилик ва саҳроланиш ҳам кучайган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

### Рангин дунё

**Норвегия пойтахтининг кўрки ҳисобланмиши опера театри биноси архитектура мўъжизаси бўлибгина қолмай, ҳақиқий маънодаги санъат асаридир. Юқоридан туриб қаралганда улкан муз тоғини эслатувчи иншоот шаҳар маркази, Бьорвик яриморлининг соҳилида жойлашган.**

# Ослодаги миллий опера театри



Осло шаҳрида опера театрининг янги биносини қуриш ғояси XIX аср сўнггида пайдо бўла бошлаган эди. Бироқ, 1999 йилга келибгина уни амалга ошириш имконияти туғилди. Узоқ муҳокама, баҳс-мунозаралардан сўнг Норвегия ҳукумати театр биноси учун шаҳар марказидан жой ажратишга қарор қилади. Иншоот қурилиши муносабати билан эълон қилинган халқаро танловга 200 дан ортиқ лойиҳа тақдим этилди. Яқиний босқичда Искандария кутубхонаси қурилишига муаллифлик қилган Snohetta архитектурлик бюросининг лойиҳаси танлов ғолиби бўлди.

Театр биносининг қурилиши салкам беш йил давом этди. Иншоот қурилишига халқаро археологлар гуруҳи ҳам яқиндан кўмак берди. Негаки, театр биноси учун ажратилган қуруқлик бир пайтлар денгиз туби бўлган. Шу вадан археологлар бино пойдеворини қуйиш чоғида ноёб топилмалардан мусово бўлмастик учун қурувчилар билан баҳамжиҳат ишлайди. Бино ўлчамига келсак, унинг асоси футбол стадионига ўхшаш бўлиб, 38 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Иншоот учта саҳна ва 1100 та хонадан иборат. Лойиҳа бюджети 4,5 миллиард норвегия кронасига (тахминан 700 мил-


лион АҚШ доллари) баҳоланган опера театри биноси расман 2008 йилнинг 12 апрелида фойдаланишга топширилди. Лойиҳага кўра, ўта замонавий кўринишга эга театр биносининг энг юқори қисмига кўтарилди ва у ердан туриб шаҳар манзарасидан баҳра олиш мумкин. Театр томининг нишаби қия бўлгани боис, бурчаклари ерга тегиб туради. Бино марказидан жой олган ойнаванд минора эса трапециясимон шаклга эга. Айна-

шуминордан театр фойеси, шунингдек, денгиз манзараси яққол кўриниб туради. Театрнинг асосий зали тақсимон кўринишда бўлиб, 1364 та ўриндиққа эга. Зал қурилиши акустика талабларига тўлиқ жавоб беради. Охишта эгилувчан зал деворлари, балкон ва зиналар эман дарахтидан ишланган. Диаметри 7 метр, оғирлиги 8,5 тоннага тенг 800 та светодиодли чироклардан иборат доирасимон қандил бутун зални ёритиб туради. Опера театрининг саҳнаси энгига 16, чуқурлиги 40 метрни ташкил қилади. Саҳна энг сўнгги техник ускуналар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, театр 15 метрли айланма, иккита ён, орқа ва қуйи саҳна қурилмаларига эга. Мазкур саҳна механизмлари икки юздан ортик электрик ва гидравлик мосламалар орқали бошқарилади.

Миллий опера театрининг репертуари ҳам ўзига яраша ранг-барангдир. Унинг саҳнасида классик, жаҳон ва миллий опера асарларига мурожаат қилиш аънана тусини олган. Қолаверса, театр биносидан концерт ва томошалар ўтказиб турилади. 2012 йилда тахминан 310 мингдан зиёд томошабин

театр томошалари ва концертларда иштирок этган. Ўтган йил давомида эса томошабинлар ҳужмига 330 та спектакль, 11 та опера ва балет асарлари премьераси ҳавола этилган. Шу кунга қадар театр нафақат Норвегия, балки дунёнинг бошқа давлатлари томонидан муносиб муқофотланган. Улар орасида театр соҳасида нуфузли ҳисобланган "Миса ван дер Роз" (2009) ҳамда "Халқаро архитектура" (2010) муқофотлари ҳам бор. Қолаверса, театр Бутунжаҳон архитектура фестивалининг "Маданият" номинацияси бўйича 2008 йилги илк ғолиби ҳисобланади. Муҳташам ва бетакрор архитектура намунасининг мусиқа бўстонидидаги ўрни ҳам бекиёс. Норвегиянинг муносиб муқофотланган. Улар маданий маркази сифатида эътироф этилиши бежиз эмас.

Зафар МУҲАММАД



## Истироҳат маскани

Андижоннинг мўъжазгина Асакаси бугун оламга машҳур, десак муболага бўлмас. Ахир дунёнинг не-не мамлакатлари кўчаларида, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлик билан раван ҳаракатланаётган "Нексия", "Дамас", "Ласетти", "Каптива", "Спарк" каби автомобиллар мустақиллик шарофати билан ана ўша дўппидекки-на Асака шаҳрида ишлаб чиқарилмоқда. Автомобиль заводи қурилиб ишга тушгандан буён йигирма йилга яқин вақт ўтди. Бу фурсат Асака ахлига ҳам шўҳрат, ҳам бойлик, фаровон яшаш йўлларини топишдек тадбиркорликни тўхфа этди.

## Озод юртинг обод боғлари

Даромади кўпайган одамнинг орзуси ҳам кўпайиши ҳақиқат. Бугун Асака шаҳрининг бекиёс даражадаги гўзаллашуви ҳам шундан. Баланд-баланд иморатлар, ишлаб чиқариш корхоналари, янги мактаб, коллежлар... айтсак айтгудай. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида асакаликларнинг яна бир янги орзуси ушалди. Шаҳар марказида Тошкент бой Эгамбердиев номли маданият ва истироҳат боғи орзуга яраша кенгайтирилиб, замонга мослаб қайта қурилди. Истироҳат боғининг очилиш маросими ҳақиқий маънода катта тантангага айланиб кетди. 8,2 гектар майдонни эгаллаган боққа йиғилганлар обод юртининг бахтлилари эканини ҳис қилган бўлса не ажаб.

Боғнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Минҳожиддин Хожиматов ҳамда вилоят ҳокими Шўҳратбек Абдураҳмонов иштирок этди. Аввал боғда 6 хил аттракцион бўлган бўлса, энди улар 26 тага етибди. Болаклар майдончасидаги болаларбоп бассейн турли хил сирпанчигу ҳалинчақлар шодон болалар билан гавжум. Катта амфитеатрда ҳар қандай маданий-маърифий тадбирни ўтказиб яйрайди киши. Худди шундай бўлди ҳам. Ҳушовоз хонандалар Алишер Қосимов, Шўҳрат Ҳакимов, "Нихол" мукофоти совриндори Раҳнона Кўзиёва, Икхосбек Жўраев қўйлаган қўшиқлар, "Мерос" ансамбли раққосларининг хиромлари барчага маъқул бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Каримованинг интермедиялардан парчалар ўқиб, ҳазил қўшиқлар қўйлагани йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

— Асосий ҳомийимиз "GM Uzbekistan" қўшма корхонасидан жуда миннатдоримиз, - дейди ушбу истироҳат боғи директори Одижон Маманазаров. — Боғимизнинг биринчи навбати учун 3,5 миллиард сўм ҳомийлик маблағи ажратилди. Иккинчи навбати учун ҳам 2,5 миллиард сўм ажратилган. Аттракцион йўнлар икки баробарга кўпаяди. Асаканинг куйи қисмидаги Чўнтак қишлоғига осма дор йўли қурилади. Ана энди боғ айланиб дам олган меҳмонлар дор йўлида сайр қилиб Чўнтакка тушади. Чўнтакнинг шинама, меҳмоннавоз чойхоналарида ошно еб, каттакон сузиш ҳавзаси — бассейнда роҳатланиб чўмилиради. Ўша жойда "Ўзбектуризм" ихтиёридаги коттеж уйларида дам олишлари ҳам мумкин.

Замира РЎЗИЕВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

## Сулала

## Доира садолари

доимо жаранглаб турсин

Санъат инсонни маънавий комиллик сари етаклайди, руҳиятига жўшқинлик, қалбига сурур бағишловчи тилсимдир. Куй-қўшиққа яқин бўлган ҳар қандай қалб эзгулик, меҳру муҳаббатга ошно, ёмонлик ва худбинликдан йироқ бўлади.

Муסיқа садолари турли оҳангларда, турфа чолгу асбоблари орқали қалблардан қалбларга кўчади. Айниқса, ўзбек миллий чолгу асбобларидан бири доира садоси қалбларга ажиб бир баҳорий кайфият, қувноқлик бахш этади. Доира садоларисиз юртининг улуг байрамлари, тантана, тўю-томоналари ўтмайди. Ўзбек халқ миллий чолгуларининг шохини ҳисобланган доирада усул берилса, бошқа чолгу асбоблари тилга кирди, яъни доирага жўр бўлиб янграйди.

Рустам Мамадиёров ҳам бо-

лалигиданок доирага ошно тунди. 1976 йил Навоий шаҳридаги Фарҳод маданият уйида Муҳиддин Кенжаев томонидан ташкил этилган "Ширин" ашула ва рақс ансамблида доира чала бошлади. Ҳамза номдаги давлат муסיқа билим юртида тахсил олиш баробарида устози Илҳом Икромовдан ушбу созага сайқал бериш сирларини ҳам мукамал ўрганди. Кўп йиллик изланиш ва меҳнат орқасидан Рустам Мамадиёров ҳақиқий доира устаси бўлиб етишди. У дастлабки меҳнат фаолиятини Навоий шаҳри-



даги 1-сон болалар муסיқа ва санъат мактабиде бошлаган. Айни пайтда санъаткор Навоий маданият ва санъат коллежида ўқувчиларга доира сирларидан сабоқ бериб келмоқда. — Доира чалиш бир қарашда жуда оддий туюлиши мумкин. Бироқ, бу созага қалб қўрингизни, вужудингизни бермасангиз, томошабинга завқулашолмайсиз, - дейди Р.Мамадиёров. Маълумки, қадимда Наврўз байрами арафасида "Бойчечак" сайли ва "Доира садолари" каби маросимлар ўтказилган. Халқи-

мизнинг боқий қадриятлари айланган бу удумлар ҳали-ҳануз давом этмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 25 март куни Ёшлар марказида Рустам Мамадиёров кўмагида "Устозлар изидан" номли концерт дастури намойиш этилди. Мохир доирачилар Олим Комилов ва Тошпўлат Ашрафхўжаевнинг ижод махсули бўлмиш "Кўшқарс", "Қўқонча Сарбоз" каби ўнлаб куйлар коллеж ўқувчилари томонидан ижро этилди.

Ривоятларга кўра, аждодларимиз овга чиқишдан олдин овнинг бароридан келиши, яъни, рўзғорга қўт-баракка киришини тиллаган ҳолда қаттиқ жисмлардан ишланган уй-рўзгор анжомларини бир-бирига уриб садо чиқаришар, ордан қайтгач, шу ҳолатни яна такрорлаб хурсандчилик қилишаркан. Шу аснода зарбли чолгулар ишланиб, тако-

миллашиб, замонавийлашиб келган, дейишди. Р.Мамадиёров айнан шу ривоят асосида уй-рўзгор анжомлари садосидан фойдаланган ҳолда театрлаштирилган томоша тайёрлади. Санъаткорнинг ноанъанавий усулдаги чиқиши томошабинлар диққатини тортмай қўймади. — Бу томошани ишлашда шогирдларининг хизмати беқиёс, - дейди доира устаси. — Айниқса, ов сахнасини томошабинлар гулдурас қарсақлар билан кутиб олишди. Насиб қилса, навбатдаги концерт дастурида ана шундай театрлаштирилган чиқишлардан ҳам кенг фойдаланамиз.


Халқимизда "От изини той босади", деган нақл бор. Акбар ва Акмал Мамадиёров ҳам доира чалишда отаси изидан боришмоқда. Санъаткорлар сулоласи бўлган бу оиланинг ижодий ишлари эзгуликка дахлдор эканига шубҳа йўқ.

Бибижон МАМУТОВА,  
Навоий маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси

## Мозийдан садо

## Термиз археология музейи

жаҳондаги энг ноёб экспонатларни ўзида сақлаб келмоқда



Инсониятнинг тарихий тараққиёти ва маънавий юксалиши, энг аввало, ҳар бир халқнинг ўзига хос, шунингдек, аждодлар қолдирган моддий ва маънавий меросни эъзозлаши билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган туб ислохотлар жараёни ва халқимиз онгида кечаятган ўзгаришлар аждодлар меросига бўлган ҳурмат ҳиссини оширди.

Халқимиз фахр қилишга арзигулик бой маданиятга эга. Жумладан, юртимиз жанубий дарвозаси саналган Сурхон воҳаси ҳам ўзининг қадим тарихи, бебаҳо моддий ва маънавий маданияти билан Ватанимиз тарихида муҳим ўрин тутди. Чунки ушбу минтақа инсоният тамаддунининг муҳим маконларидан бири сифатида қадим даврданок инсониятга бешиқ бўлган. Воҳа ахли ўзининг кўп минг йиллик тарихи жараёнида жуда катта моддий ва маънавий маданият яратган. Бу маданиятга нафақат республикамиз, балки бутун дунё тарихчилари алоҳида ҳурмат, ўзгача қизиқиш билан қараши сир эмас.

Шундан бўлса керак, сўнгги йилларда Сурхондарёда кўплаб хорижлик қадимшунослар иштирокида кўшма археологик қазув ишлари олиб борилмоқда. 2006-2007 йиллар мобайнида Жондавалттепа, ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва "Тиллабулок" ёдгорликлариде археологик тадқиқотлар олиб борилди. Ўзбек-чех археологик экспедициясининг Жондавалттепа ёдгорлигида, ТерДУ ва Термиз Археология музейи ҳамкорлигида ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасида, Ўзбек-олмон археологик экспедициясининг "Тиллабулок" ёдгорлигида, Ўзбекистон Республикаси ФА Санъатшунослик тадқиқот институтининг "Қоратепа" ёдгорлигида Ўзбек-корейс археологик қўшма экспедицияси ва Ўзбек-француз Бақтрия



археологик экспедициялари қазимиш ишларини олиб бормоқда.

Вилоят ҳудудида олиб борилаётган археологик қазимиш ишларида бевосита музей илмий ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Музей фондини тўлдириб борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида Термиз шаҳридаги Шохимардон ота қабристонидан топилган илк ҳамда ўрта асрларга оид экспонатлар музей фондига келиб қўшилди.

Истиқлол шарофати ва муҳтарам Президентимиз лойиҳаси ва ташаббуси билан бунёд этилган Археология музейи Марказий Осиёда ягона бўлиб, жаҳон миқёсида ҳам санокли ихтисослаштирилган музейлар сирасига кирди. 2002 йили Археология музейи фондидаги экспонатларнинг умумий сони 27247 та эди. 100 минг экспонатни ўз заҳирасида сақлаш имконига эга масканнинг жорий йилда тўплаган экспонатлари сони 83515 тага етди. Музей фондини тўлдириб борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Музей фонди, асосан, воҳа ҳудудида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, сафарлар ва аҳоли томонидан келтирилган тасодифий топилмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона кўмитаси Сурхондарё вилоят бошқармаси ходимларининг сайё-ҳаракатлари, қўшма археологик қазув ишлари чоғида топилган ашёлар эвазига Термиз археология музейи янада бойитилди.

Музейда кўплаб кўргазмалар ўтқа-

зиш аъна тусини олган. Ана шундай кўргазмалардан бири яқинда Давлат божхона кўмитаси Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан музейга топширилган экспонатлар асосида ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни муносабати билан эса Археология музейининг "Нумизматика" бўлими учун ажратилган кўргазма залида Фаёзтепадан топилган янги топилмалар намойиши бўлиб ўтди.

— Бугунги кунга келиб янги қиёфага кирган музейимиз нафақат музейга таширф буюрувчи ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари, балки хорижлик сайёҳлар ўртасида ҳам тарғиботнинг катта имкониятларига эга бўлди, - дейди музей ходими Гулйўл Бекмуротова. — 2014 йилнинг июнь ойида музейимиз директори И.Ботиров Парижнинг Лувр, Осиё санъат музейларида бўлиб, дунё музейлари иши билан танишиб келди. Термиз учрашувлар чоғида Термиз археология музейининг кўргазмасини ушбу музейларда ташкил этиш ҳақида келишиб олинди. Жорий йилнинг 15-17 сентябрь кунлари Археология музейида "Амударё маданияти — жаҳон маданияти тизимида" номли халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Музей ходимларининг сайё-ҳаракати билан воҳага келиб-кетаётган хорижлик сайёҳлар сони кескин даражада ошди. Воҳада туризмни ривожлантириш мақсадида интернет тармоғида музейнинг веб-сайтини ҳам ташкил қилдик. Веб-сайта Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Археология музейининг ташкил этилиши ва фаолияти, кўргазма заллари бўйлаб виртуал сайёҳат йўлга қўйилган. Музейда мавжуд ҳар бир экспонат тарихи ўзбек, рус, инглиз тилларида батафсил баён қилинган. Республика миқддаги туристик агентликлар билан веб-сайт орқали алоқалар ўрнатганимиз боис, сайёҳларнинг ўзи тўғридан-тўғри бизни топиб келаяпти. Музейга таширф буюрувчи меҳмонларга яратилган шарт-шароитлар замон талаблари даражасида. Энг аввало, уларга музей заллари бўйлаб уч тилда қизиқарли ҳамда мазмунли экскурсиялар ташкил этилди. Музей ҳақида кўплаб хорижий журналларда маълумотлар бериб борилаётгани ҳам ўз самарасини бераётди.

Мухтасар айтилган, бу каби музейлар халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига Ватанга муҳаббат, миллий ва маданий аъналарга ҳурмат туйғуси ҳамда эстетик дидини шакллантириш, ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутуши шубҳасиз.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,  
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси етакчи мутахассиси

Мева таркибиде 20% инверт қанд ва 55% сахароза, флорафен ва галлат кислоталардан иборат ошловчи моддалар (эноагинин), кварктин, энин ва ҳар хил гликозидлар, 2,5% атрофида органик кислоталар, В ва С витаминлари мавжуд. Уруғлари 20 фоизгача қаттиқ мой, 8 фоизгача ошловчи моддалар, ванилин, олма кислотаси ва бошқа моддаларга бой.

Тиб илмининг асосчиси Ибн Сино буйрак, қовуқ ялғлаиши, ичак огриғида узум мевасини, кўз, қулоқ касалликлариде ток барглари, ичбуруғда барг суви, тери касалликлариде поясининг қулини ишлатган. Кўзда ток кесилганда оқиб чиқадиган суви буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалайди. Узум мевалари ва барглариининг сувидан қон туфлашда, бавосил, тери раки, гепатитларда ҳам фойдаланилади. Узумнинг пишмаган кўк гўраси қон босими ва сафрони пасаитирида, сафронинг шиддат билан қайнашини қайтаради, меъдада пайдо бўлган балғамни кетказди, бегона моддаларнинг меъдага тушишига йўл қўймайди, бадан ва жигарга қувват бағишлайди, чанқоқни босади, аъзолар сустигини бартараф этади. Замонавий табобатда узум мевалари ёки суви юрак, жигар, буйрак, ўпка касалликлари, подагра, камқонликдан, шунингдек, инфекицион ажралиб чиқшини қучатиради ва шу сабабдан сийдик-тош касаллиги ва подаграда фойдали ҳисобланади. Қон босимини ўрнига келтириш ва юрак-томирлар тизими, кўрши аъзолари ишидаги ўзгаришларни бартараф этиш учун узумнинг ўзи ва суви фойда бериши аниқланган.

Эслатма: қандли диабет, меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра касалида организмда йирингли жараён кечаятганида беморга узум бериб бўлмайди.

## БИЛАСИЗМИ?

Оёқ кийим ўлчамлари 1792 йили Джеймс Смит томонидан ўйлаб топилган.

Дастлабки галстуклар Хорватияда пайдо бўлган. Инглиз тилида "галстук" сўзининг "cravat" (Хорватия - Croatia) деб аталиши ҳам шундан.

## ТУРФА ОЛАМ

## Ақлли сумка

ШУ КУНГАЧА КАШФ ЭТИЛГАН АҚЛЛИ ТЕЛЕФОН, СОАТ, УЙ ВА БОШҚА БУОМЛАР ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ.



Phosce номини олган ақлли сумка ноутбук, планшет, смартфон ҳамда минглаб гаджетлар учун мўлжалланган. Гаджетларни олиб юриш ва зарядлаш учун ниҳоятда қулай сумкадаги заряд микдори 14 та iPhone 5s смартфонини тўлиқ қувватлаш имконини беради. Муаллифларнинг айтишича, ушбу сумкани уч хил қўринишда тақиб юриш мумкин. Унда ноутбук, планшет ва смартфон гаджетларига алоҳида жой ажратилган. Сумканинг ичига махсус аккумулятор ўрнатилган бўлиб, ундаги учта USB-порт орқали барча гаджетларни зарядласа бўлади. Бундан ташқари, Phosce Андройд ва iOS учун мўлжалланган бепул дастурга ҳам эга. У орқали сумканинг қай даражада қувватланганини билиш мумкин. Агар уни йўқотиб қўйсангиз ёки ундан узоклашсангиз сумка дарҳол сизга хабар жўнатади. Муҳими, ақлли сумка ўзидан сув ўтказмайди. Махсус материалдан ишлангани боис, сумка гаджетларни тоза сақлаб, турли таъсирлардан ҳимоя қилади ҳам. Уни истаганча кичрайтириш ёки каттароқ шаклга келтирса бўлади.

## Кўҳна топилма

СТОУНХЕНЖ (БУЮК БРИТАНИЯ) ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИГИ АТРОФИДА АРХЕОЛОГЛАР КАДИМИЙ ХАРОБАЛГА ДУЧ КЕЛИШГАН.

Бирмингем университети олимлари сирсиноатларга бой топилма жойини юқоридан туриб суратга олишга м у в а ф а қ бўлишди. Қадимшунослар бу ерда 17 та ҳайкал ва 12 та қўргонтепа борлигини, уларнинг ёши Стоунхенж билан деярли баробар эканини аниқлашди. Айни пайтда олимлар томонидан тузилган рақамли харида ёрдамида қадимий харобаларни ўрганиш ишлари бошлаб юборилди. Тадқиқот самарали натижа берса, археологлар номаълум иншоот тарихи ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишларини таъкидлашмоқда. Шунингдек, олимлар ушбу худуд ландшафти қадимда қандай бўлганини аниқлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишни режалаштириб қўйилган.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади